



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 1 июнь, № 106 (5780)

Шанба

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

Эъзоз, эътибор, ғамхўрлик

Фарзанд — оила қувончи, жамият таянчидир. Унинг соғлом, илмли ва иродали бўлиб улғайиши нафақат ота-она, балки давлатимиз сиёсатининг ҳам эзгу мақсадларидан биридир. Шу боис истиқлолимизнинг илк кунлариданоқ болаларга юксак меҳр ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Жондан азиз фарзандларимизни нафақат ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб ўстириш, шу билан бирга, уларни ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб, энг замонавий, биз яшаётган XXI аср талаб қилаётган интеллектуал билим ва бойликка эга бўлган инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришини таъминлашда кўришимиз ҳам қарз, ҳам фарзидир”.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон Республикаси ҳақон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Бинобарин, давлатимиз инсон ҳуқуқлари, хусусан, бола ҳуқуқларига оид кўплаб халқаро битимларни имзолади. Жумладан, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция ва бошқа бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг ратификация қилинган юртимизда болалар манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганининг ёрқин далилидир.

(Давоми 3-бетда).



Хосан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Пойтахтимиздаги Япон боғида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган “Болалик шарафига!” хайрия тадбири бўлиб ўтди.

Хайрия акцияси

Тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси, «Меҳр нури» жамғармаси ва бир қатор бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ҳар жиҳатдан қомил инсонлар сифатида воёга етиши учун барча шарт-шароитни яратиш Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида юриллаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир. Бу борада турли жамоат ташкилотлари томонидан ҳам қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан болалар шифохоналари, ихтисослаштирилган сихатгоҳлар, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, маҳаллаларда кўплаб хайрия акциялари, концертлар, кўргазмалар, театрлаштирилган томошалар ташкил этилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Таклиф асосида тайёрланади

“Когонфайзмобель” кичик корхонаси “Бобур-савдо” мажмуаси тадбиркорларининг 60 миллион сўмлик буюртмасини муддатига адо этди. Мажмуа ўзига хос дизайнга эга мебеллар билан жиҳозланди.

— Биз ноанъанавий пишиқ-пухта қилиб усудла иш олиб борамиз, — дейди Когон шахридаги мазкур корхона раҳбари Ҳикмат Мухамедов. — Буюртмага ностандарт мебель жиҳозлари макетларини кўрсатиб, у билан маслаҳатлашамиз, таклифларини оламиз. Шундан сўнг ишга киришамиз. Миҳозга маъқул кўришдаги офис ёки уй-рўзгор мебелларини тайёрлаймиз. Айни пайтда йигирма турдан зиёд шкаф, стол, стул, кресло, хонтахта каби мебель маҳсулотларини ишлаб чиқараямиз. Жорий йилнинг дастлабки чорагида буюртмачиларимизга 97 миллион сўмлик мебель жиҳозлари тайёрлаб бердик.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Самарадорлик мезони

Урганч шаҳридаги “Хоразм идеал импэкс” масъулияти чекланган жамиятида йилга 250 тонна макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги линия ишга туширилди.

— Корхонамизда тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ва нисбатан арзонлиги боис қисқа муддатда истеъмолчилар эътиборига тушди, — дейди корхона раҳбари Суҳроб Жуманиёзов. — Биз ишлатаётган илғор технология тўлиқ автоматлаштирилган. Шу билан бирга, энергияни ҳам кам сарфлайди. Бу ишмизда самарадорлигини таъминламоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, Урганч шаҳрида жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнес субъектлари томонидан 27 миллиард сўмликдан зиёд санат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Битирувчилар учун иш ўринлари

Жиззах шаҳридаги “Жиззахпласттекс” масъулияти чекланган жамиятида “Ўзбекенгил-саноат” давлат-акциядорлик компанияси, Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳамда шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришга бағишлаб ташкил этилган мазкур тадбирда вилоят марказида фаолият кўрсатаётган 11 санат корхонаси 742 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Унда 1816 нафар битирувчи қандаш ишга тушиши кўтилаётган масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Жиззахпласттекс” енгил санат корхонасида яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди.

Ярмаркада 24 нафар ёш доимий иш билан таъминланган бўлса, 486 нафар битирувчи уч томонлама шартнома тузишга муваффақ бўлди.

Улуғбек АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Олий суд Пленуми йиғилиши

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳамда Олий суд Пленумининг жиноят ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масалалари муҳокамасига бағишланган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари, ҳуқуқшунослар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Олий суд раиси Б. Мустафоев таъкидлаганидек, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар самараси ўлароқ, суд ҳокимияти мустақиллиги таъминланиб, унинг жамиятда тутган мавқеи тобора ошмоқда. Айни чоғда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончи ҳимоя қилиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам ўз самарасини бераёпти.

(Давоми 2-бетда).

Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш имкониятлари

Президентимизнинг 2006 йил 24 августдаги “Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Тошкентда уюштирилган агросаноат учун минитехнологиялар ва ихчам асбоб-ускуналарнинг “Uzbekistan Agrominitech Expo — 2013” VIII Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналари ва асбоб-ускуналарининг “Uzbekistan Agrotechmash Expo — 2013” II Халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси аяқланди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Ўзбекистон Республикаси Таълим ва ҳақон иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-санат палатаси ҳамда Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган бу галги тадбирларнинг ҳар бир кунини мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган фермер ва деҳқонлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан га-

жум бўлди. Сабаби, у соҳага хорижнинг замонавий технологияларини татбиқ этиш, илғор ва тежамкор минитехнологиялар харид қилиб, қайта ишлашни йўлга қўйиш, юқори унумли техникалар сотиб олиб, тармоқ самарадорлигини ошириш, қисқача айтганда, агросаноатни модернизациялаш учун қулай имкониятдир.

(Давоми 2-бетда).

ЧИКАГОДА ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Америка Қўшма Штатларининг Чикаго шаҳрида бўлиб ўтган “Silk Road Conference” доирасида мамлакатимизнинг иқтисодий, сармоявий ва сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими ўтказилди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Ўзбекистон Республикасининг Вашингтондаги элчихонаси томонидан Иллиной штати Технология институтини билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда америкалик ишбилармонлар, дипломатия корпуси вакиллари ҳамда “Silk Road Conference”нинг Озарбайжон, Қозғистон ва Хитой сингари давлатлардан келган делегациялари ҳозир бўлдилар.

Тақдимотда мамлакатимизда ишбилармонлик фаолиятини йўлга қўйиш ва юритиш, республикамизда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳамда санатнинг турли жаҳаларига оид лойиҳалар ҳақидаги ат-

рофлича маълумотлар тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинди. Айниқса, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналаридаги катта имкониятлар билан боғлиқ ахборотлар меҳмонларда қизиқиш уйғотди.

Тадбир қатнашчилари Ўзбекистонда сайёҳликни ривожлантириш борасида эришилган муваффақиятлар, ўлкамиздаги кўҳна ва бой маданий мерос ҳамда юртимизнинг бетақдор қадимий шаҳарлари бағрида жойлашган кўп сонли осори-атикалар, диққатга сазовор масканлар тўғрисида ҳам зарур маълумотларга эга бўлишди.

“Silk Road Conference” конференцияси доирасида АҚШ компаниялари вакиллари билан қатор музокаралар ўтказилди. Уларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, хусусан, иқтисодиётнинг турли соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга оширишнинг истиқболлари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган иқтисодий ислохотларни юқори баҳолаб экан, “LMG Emerge” компанияси раҳбари А. Дорсман юртимизда кўлга киритилган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт кўрсаткичлари, мавжуд замонавий транспорт ва санат инфратузилмаси мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун улкан салоҳиятга эга эканлигиндан далолат беришини қайд этди.

(Давоми 2-бетда).

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Маълумки, Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мамлакатимизда бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришнинг муҳим вазифалари белгилаб берилган эди.

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

одил судловни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга

Айни чоғда унда 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларида банк ҳисобварақларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими, жумладан, “Интернет-банкнинг”

хизмати орқали солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш, юқларни божхонада расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектлари томонидан товарларни декларация қилиш, “бир ойна” таъмоийли бўйича юридик шахсларнинг кўчмас

мулкка бўлган эгаллик ҳуқуқини рўйхатга олиш тартиб-таомилларини ўз хоҳишларига кўра электрон шаклда амалга ошириш ҳуқуқини берувчи қонидани ўрнатилган тўтилган.

Мазкур Фармонда тадбиркорлик субъектлари

хўжалик судларига даъво аризалари ва илтимосномаларини ўз хоҳишларига кўра электрон шаклда бериш ҳуқуқига эгаллиги ҳамда суд муҳокамаси иштирокчиларини хабардор қилиш, уларга суд

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ
КИЧИК БИЗНЕС
СУБЪЕКЛАРИ САФИ
КЕНГАЙМОҚДА

2013 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сони

7,2

мингтага етди.

Ушбу корхоналарнинг асосий қисми санат, савдо ва умумий овқатланиш соҳаси, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги каби иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқлари улушига тўғри келдики, буларнинг барчаси, айтиш мумкинки, ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир комплекс чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилгани самарасидир.

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Таъкидлаш кераки, ушбу ҳужжат асосида Олий ҳўжалик судида тадбиркорлик субъектларининг даъво аризалари ва илтимосномаларини қабул қилиш бўйича марказлаштирилган электрон дастурий таъминот ишга туширилди. Айни пайтда мазкур тартибга биноан,

монидан суд ҳужжатларини жараён иштирокчиларига юбориш зарурлиги ҳақидаги қондаларга баъжланган тегишли моддаларига ҳам ўзгартириллар киритилди. Унда жорий йилнинг 1 июнидан ишда иштирок этувчи шахсларнинг электрон манзиллари бўлган тақдирда, суд ҳужжатлари нуҳжаларини электрон алоқа воситалари орқали ҳўна-

лиқ сарф-ҳаражатларини камайтириш, суд ва ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида ёзишмалар алмашинуви тартибидан соддалаштириш ва суд орқали ҳимояланиш ҳўқуқини амалга ошириш учун янада қулай шароитлар яратиш имконини беради. Бундан ташқари, мурожаатларни қўриб чиқиш тезлашади ва процессуал муддатлар тежалади.

топиш ҳақидаги низолар шулар жумласидандир. Мазкур низоларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, буларда бир тараф жисмоний шахс бўлишига қарамадан, низо юридик шахснинг иқтисодий фаолияти бўйича вужудга келади. Шундан келиб чиқиб, Ҳўжалик процессуал кодексининг 23-моддаси ҳам



Қишлоқ ҳўжалигини модернизациялаш имкониятлари

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Шунинг учун ҳар йили мунтазам ўтказиб келинаётган мазкур кўргазмаларнинг нуфузи тобора ошиб бораётди.

Республикада қишлоқ ҳўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш, қайта ишлаш тизимини муаммолардан қайта қуриш алоҳида эътибор қаратилаётгани, ўз навбатида, ҳоржик ишбилармонларнинг ҳам қўриқини бугун қўриқини янада оширмоқда. Жорий йилги тадбирларда Германия, Италия, Швеция, Польша, Франция, Хитой, Жанубий Корея, Беларусь, Украина сингари жаҳоннинг 20 га яқин давлатидан 200 дан зиёд компаниялар ўз маҳсулотлари билан иштирок этгани ана шундан далолат беради, албатта.

— Ўзбекистонни иқтисодий ёти жадал ривожланаётган, айниқсан, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида салоҳияти юқори давлат сифатида яқин билан, — дейди "Isolcell" (Италия) компаниясининг мунтақавий менежери Тито Спалди. — Кейинги йилларда бу ерда, айниқсан, интенсив боғлар барпо этиш, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни қўйиштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳайратланарлиқдир. Бизнинг компаниямиз юртингизда мева-сабзавотларини сарҳа ҳолда сақлайдиган махсус мажмуалар барпо этишга ҳисса қўшаётганидан ҳурсандимиз. Ҳамкорлигимиз давомида Самарқанд, Навоий, Жиззах ва Тошкент вилоятларининг ҳар бирида 2-3 минг тонна маҳсулот сақланадиган энг замонавий совитиш омборханалари қуриб бериб. Бу йилги кўргазмаларда ҳам қўлаб шартномалар имзоладик.

Кўргазмалар кундалигини кузатган киши, улар агро-сановат мажмуаси ҳамда қишлоқ ҳўжалиги машинасозлигининг чинакам бозорига айланганини эътироф этмоқда. Негаки, тадбирлар мавзу жиҳатдан ранг-баранг бўлиб, намойиш бўлимларида соҳа-

нинг барча йўналишлари қамраб олинди. Шу боис "Ўзэкспомарказ" мажмуасига минглаб қишлоқ мулкдорлари таширф буюриб, чет эллик мутахассислар билан тенг манфаатли шартномалар имзолашди. Жумладан, тадбирнинг сўнгги кўнунда Самарқанд, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларидан келган фермер ҳўжаликларни, агрофирмалар ҳамда кичик қўналар раҳбарларининг деярли ҳеч қайсиси қуруқ қўл билан қайтмади.

— Беларусь давлатида ишлаб чиқариладиган чоқ тракторини сотиб олиш бўйича қиймати 97,5 миллион сўмлик шартнома имзоланди, — дейди Пахтачи туманидаги "Тўймурод Муҳаббат меваси" фермер ҳўжалиги раҳбари Тўймурод Холматов. — Бундан ташқари, мевани қўриштириш технологиялари билан танишиб, чет эллик ишбилармонлар билан битим тузишга муваффақ бўлдик. Чўки ҳўжалигимизда пахтачилик ва галлчиликдан ташқари, 14 гектар майдонда боғдорчилик билан шуғулланамиз. Айни пайтда олма даракларимиз тўлиқ ҳосилга кирган. Мева қўриштириш ускунасини келтирсак, етиштирилган ҳосилнинг бир қисминини қайта ишлаймиз.

Кўргазмалар қишлоқ мулкдорларининг таърибасини ошириш, фаолиятига жаҳоннинг илгор отқуқларини таътиб этиш, пироваддида ички ва ташқи бозорга қўри сифатли маҳсулот чиқариш учун кенг имконият эшикларини очиб берапти. Утган тадбирлар шарофати билан 5 мингдан зиёд фермер ҳўжалиги қоннда қайта ишлаш қўналарни ташкил этилгани бунга мисол бўла олади. Ҳозирги кунда

ушбу кичик қўналарда тайёрланаётган қўри сифатли сўт, гўшт, ун, макарон маҳсулотлари, мева ва сабзавот қайилари, мураббо ҳамда шартбатлар ички бозорни тўлдириб бораётган, экспорт қилинаётгани, айниқсан, қўналарни, Энди улар қаторига юзлаб истиқболли лойиҳалар ҳам қўшилдиган бўлса, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида мазкур тадбирларнинг аҳамияти нечоғли катта эканлигини ўзининг мулоҳаза қилиб қўраверинг.

— Бугунги кунда Хоразм вилоятида 4770 та фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатмоқда, шундан 1840 таси қўл тармоқли фермер ҳўжалиги ҳосилбанди, — дейди вилоят фермерлар кенгаши раиси Баҳодир Тоҳиев. — Кўргазмалар, ҳусусан, ушбу қўналарнинг замонавий минитехнологияларга бўлган эътиҳини қўриштириш, техника парқини замонавий қишлоқ ҳўжалиги машиналари билан тўлдирдишда қўл келмади. Масалан, "Эломон" фермер ҳўжалиги "Класс" русумидаги галла ўриш қўнайини, "А. Камолитдин" А фермер ҳўжалиги эксававтор ва ҳайдов трактори, "Саъдулла бобо" фермер ҳўжалиги мева-сабзавотни қайта ишлаш линиясини сотиб олиш бўйича келишувга эришган бўлса, "Олла" фермер ҳўжалиги раҳбари Феруза Бўбожонова умумий қиймати қариб 115 миллион сўмлик 4 та шартнома тузди. Яъни у "Исусу" автобуси, сомон тоилаш машинасини, плуг ва ичимлик сувини тозалаш ускунасини олиб кетадиган бўлди.

Бундай мисолларни бошқа вилоятлар фермерлари фаолиятдан ҳам қўлаб келтириш мумкин.

Мухтасар айтганда, тўрт кун давом этган халқаро кўргазмалар Ўзбекистон агро-сановат мажмуи ривожининг ёрқин намойишидир айлади. Унинг доирасида ўрнатилган ҳамкорлик ришталари қишлоқ ҳўжалиги самардорлигини янада ошириш, қайта ишлаш ҳажминини қўйиштириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга ҳизмат қилади. Зеро, соҳага ҳоржикнинг илгор технологиялари таътиб этилиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатдорлигини таъминлаш мукяррардир.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



ТАНЛОВИГА

— Юртимиз шунчалар маърифатлики, — дейди эл ардоғидаги адибларимиздан бири, — ҳади ижоди тўлиқ ўрганилмаган қанчадан қанча аллома шоирларимиз бор. Уларнинг ҳар бири бир юрт, бир миллат маънавияти тожини безар даражада юксалтирди. У исмлар ҳурлигимиз, озодлигимиз тўфайли юзага чиқётганига, элу юрт қамоли йўлида яна ҳизмат қилаётганига қараб қўнаман. Адибимиз айтган шўкрона эса ёшлардаги ғайрат ва келажакка қатъий ишонч билан уйғунашиб кетган. Қўзлари чакнаб турган, аёнларимизни эъзозлайдиган бу ёшлар, албатта, мустакиллигимизнинг давомчилари экани ҳақидаги ўй дилда фаҳр уйғотади.

Ҳар бир йилги қўшиқ ва шеър базмига уланиб давом этди. Қўқонда, Марғилонда, Фарғонада янраган Ватан маҳўяларини ҳамма жумлашм бўлиб, жўшиб қўйлади. Жўнажон Ватанни тараннум этувчи тўқунлар жуда эди, билишин, гурурланишин дея, бошқа ўқувчилар билан бирга, ўқувчиларимиз ҳам олиб келдим.

Турли манфаатларнинг қарама-қаршиликлари оқибатида қалқиб турган шу дунё аро ўзининг эзгу голяри ва қадриятлариде доимо бардавом эллимида гуллаб-яшнаётган ўлқалар, шаҳарларда айна шу руҳда, айна шу жўшқинликда мана шундай байрамлар бўлиб ўтмоқда. Шунингдек, айна дамда Ер юзининг қайларидидир бошбоққиллар, сохта эркинлик никоби остидаги жиноятлар ва ёвузликлар ҳам давом этмоқда. Мамлакатимизнинг жаннатмонанд шаҳарлари узра эса, оташнафас шоиримиз Завқий орзулаганидек, жаҳон аҳли бошидаги савдоларни даф қўлимоқнинг гўзал тимиоли ўлароқ, рўпарвар жўшқинликда ҳаво кезмоқда, юрт тўпруги анбар, суви гулоб ўлароқ гуллаб-яшнамоқда.

Иқбол МИРЗО, Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюмаси раиси ўринбосари, Исқон СУЛТОН, Ёзувчилар уюмаси аъзоси.

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

«Хотик» компанияси бош ижрочи директори Г. Келлер эса Ўзбекистонда мутахассислар тайёрлаш ва мамлакатнинг илмий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган катта эътибор ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди. У ўзи раҳбарлик қилаётган компания биотехнологиялар соҳасидаги илмий

Чикагода тақдимот маросими

ишланмаларни тижоратга жорий этиш билан шуғулланишни билдириб, Ўзбекистон илмий таътиқот институтлари билан ўзаро алоқалар ўрнатиш истагида эканлигини айтиб ўтди. Шунингдек, Г. Келлер салмокчи молиявий ресуррга эга бўлган «Хотик» компанияси Ўзбекистонлик олимларнинг илмий ишланмаларини дунё бозорига олиб чиқишда қўмақлашиши мумкинлигини ҳам таъкидлади.

«Harrison & Held» компаниясининг бизнесни ривожлантириш бўйича директори Д. Лоу мамлакатимиз иқтисодийнинг ўсиш суръатларини ижобий баҳолгани ҳолда, юртимизда сановатни модернизациялаш ва янгилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар чет эл компаниялари учун қулай имкониятлар яратибганини эътироф этди. Шу муносабат билан Д. Лоу Американинг энг йирик кимё қўналарни билан яқин ҳамкорлик қилиб келатган «Harrison & Held» компанияси Ўзбекистонда ҳам кимё сановатига лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этишдан манфаатдор эканлигини маълум қилди.

Ўз навбатида, «Sonora Concepts Integration» компанияси томонидан ҳам соғлиқни сақлаш соҳасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш юзасидан қизиқиб билдирилди. Компания президенти Б. Горелик ҳозирги пайтда Тошкент шаҳрининг баъзи шифохоналарига таътиқот тиббиёт техникаларига етказиб бериш юзасидан амалий ишлар олиб борилаётганини қайд этди. Унинг айтишича, келажакда Ўзбекистонда тиббиёт ускуналарининг тарқибини қисмларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

«Жаҳон» АА, Чикаго

Олий суд Пленуми йиғилиши

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Пленум йиғилиши муҳокама-сига қиритилган «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товланганлик учун жавобгарликка оид қўнунчиликнинг судлар томонидан қўланилиши тўғрисида»ги қарор лойиҳаси ҳам ана шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Маълумки, Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоб-китобларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тўбдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тўбдан янгилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлариде солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этишни соддалаштириш масалаларига кенг ургу берилган. Шундан келиб чиқиб, утган йилнинг охирида қабул қилинган «Солиқ

ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳўжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар қиритиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳўжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар қиритиш тўғрисида»ги қўнунлар билан Солиқ кодексига яна бир қатор тўзатишлар киритилди.

Хусусан, Кодекснинг 91-моддасига қиритилган ўзгаришга қўра, давлат солиқ ҳизмати органи режалли солиқ текшируви ўтказишининг бошланishi ҳақида текширувни ўтказиш бошланishiдан камиде ўттиз календарь кунли олдин, тадбиркорлик субъектини текширувдан ўтказиш муддатлари ва предметини кўрсатган ҳолда, ёзма шаклда хабардор қилиши белгиланди.

Айни чоғда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлагандан кейин оилавий қорхона

и иштирокчиси ихтиёрида қолаган фойда суммаси мулкдорларнинг қўриқини қиритилиши ва жисмоний шахсларнинг даромади сифатида солиққа тортилмаслиги белгилангани ҳам тадбиркорлар учун катта қулайлик яратди. Эндиликда оилавий қорхоналар солиқ солишининг бошқа тартибидан таллаш ҳўқуқисиз, ягона солиқ тўловини тўловчи ҳисобланади. Зеро, қўнун ҳўжатлари билан белгиланган солиқ ва маҳаллий йиғимларнинг тўлаш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчидир.

Айтиш жоғки, Олий суд Пленуми томонидан 2003 йил 6 июнда «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товланганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қўнунларнинг судлар томонидан қўланилиши ҳақида»ги қарор қабул қилинган эди. Бироқ утган давр мобайнида Жиноят кодексининг 184-моддасига ўзгариштирил қиритилгани ҳамда 2008 йил 1 январдан янги тақрирдаги Солиқ кодекси амалга жорий этилгани ва 2009 йилда у янада тақо-

мллаштирилгани Пленумнинг янги қарорини қабул қилиш заруратини юзага келтирди. Шу боис суд амалиёти умумлашмалари, олим ва амалчиликлар фикр-мулоҳазалари ҳамда тақрирлар асосида Пленум қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур қарор мажмуи-моҳиятига қўра, солиқ қўнунчилигини бир хилда қўлиқ, ягона суд амалиётини шакллантириш ва одил судлов сифати ҳамда самардорлигини оширишга қаратилганлиги билан эътироф қилинди.

Маълумки Олий суд Пленумининг жиноят ишлари бўйича айрим қорорларига ўзгариш ва қўшимчалар қиритиш тўғрисидаги масала ҳам қўриб чиқилди.

Пленумда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қорорлар қабул қилинди.

Пленум йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодиров иштирок этди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



Бир неча кун давомида сўлим водийнинг Қўқон, Марғилон, Фарғона каби шаҳарларида, шунингдек, Ўзбекистон, Боғдоқ ҳамда Риштон туманларида маърифат ва адабиёт шодийналари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюмасининг ташаббуси ҳамда республика ҳўкуматининг қўлаб-қувватлаши натижасида бутун мамлакат бўйлаб қанот ёзган шуқули, завқбахш байрамларда бир гуруҳ шоирлар ёзувчилар қаторида иштирок этиб қайтди.

Кенг қўламли тадбирлар дастуридан оташнафас шоир Ройий Марғилонийнинг 175, Завқийнинг 160 йиллигини хотирлаш тадбирлари ҳам ўрин олган эди.

«ТУПРОФИ АНБАР, СУВИ ГУЛОБ...»

ки, бунда ҳам ўзига хос рамзий бир маъно бор. Тарихий Қўқон майдони қадим мезморчилик аъналарини ўзига жо қилиб, ўтган кунлардан хабар бериб турибди. Қўқонликда жаҳоннинг наманан деган шаҳарларида қўлашайдиган айнан мана шу жойда фарзандларимиз учун давлат сиёсати даражасига қўтарилганга дикат қаратар эканлар, ижодкорнинг асосий вазифаси доимо элу юрт ҳизматида камарбасталик, ёшларимизни келажакка ишонч, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш бўлиб келганини таъкидлаб ўтишди.

Маърифат, адабиёт ва китоб байрамлари Қўқон шаҳрининг марказий ҳибондана — Ўрда саҳнида давом этди. Бир томонда тарихимизга бўлган ҳурмат ва эъзозимизни ифода этадиган, бошқа томонда бугунимизни кўз-кўз қилдиган замонавий бинолар қад ростлаган, ўтмиш ва бугун уйғунашган мана шу муҳташам майдонда келажакимизнинг бунёдкорларига, яъни элига, юртига меҳр қўйган, истиқболга мутлақо ишонган ғайратли, шижоатли ёшларимизга истиқбол калити бўлиши турли-туман китоблар топширилди-

қундай ишлар давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамалигида бутун мамлакат бўйлаб изчил давом этмоқда. У киши мамлакатимизнинг турли вилоятларига таширф буюриб, шаҳарларнинг ўзига хос тақрирлармас мезморчилик аъналарини сақлаб қолган ҳолда замонавий қўйфа баҳш шун бораида муҳим ва қимматли тавсияларини берган эдилар. Жумладан, Президент таширфини қўқонликлар ҳалигача ўзгача фахру ифтиҳор билан ёдга олишади. Зеро, бугун Қўқон ўзгача замонавий қўйфа олган. Эски бинолар, кичик илонизи қўчалар ва тартибсиз уй-жойлар ўрнида кенг, ёруғ йўллар, бежирим ва замонавий бинолар қад ростлаган, бир томонда танлаб олган йўлида қатъий ва барқарор ривожланаётган юртининг бунёдкорлик жароғини қўчган тимсоллари барқ урар экан, яна бир томонда тафаккур байрамини, тафаккурнинг янгилиниш тантаналари давом этмоқда.

Уйноқи тасаввур тарихга етаклайди. Бир аср аввал яшаб ўтган шоир Завқий халқ дарди билан ҳамнафас оташсўз киши бўлган. Унинг газал-бирига мустаҳкам боғлиқ ҳам бунёдкорлик, ҳам маънавият жаҳасидаги

Жаҳон аҳлига гўё дафни савдо ўлса Фарғона, Бўлиб тўпруги анбар, суви гулоб ўлса ажаб эрмас, — дея ёзди. Бугунги байрамлар улуг мутафаккир боболаримиз орзу қилган қўқам ва обод шаҳарлардаги фазилатли кишиларни, энг муҳими, ғайратли, шижоатли ёшларини ҳам этгани қувончли хол, албатта.

Марғилон шаҳрининг марказий боғида, Боғдоқ, Ўзбекистон туманларида бўлиб ўтган байрамларда ҳам айна завқ ва сурурнинг гувоҳи бўлдик. Фарғона шаҳридаги бунёдкорлик ишлари янада улкан қўлаб давом этмоқда. Кенг ва раван йўллар, қулай ва замонавий бинолар қурилиши ҳамма ерда кўзга ташланади. — Жўшқин бир руҳ бор кишиларда, — дейди водийлик Турсунали повон. — Бунчалар улкан бунёдкорлик ишларини олиб бориш учун қудратли иқтисодий ва чўкур билим лозим. Узи-ку мана шу ишларга ҳайрон бўлиб, шўқронамизни қандай ифодалашни билмай турибмиз, яқинда Президентимиз Андижонга таширфлари вақтида сўзлаган нутқ-

Алишер Навоий бобомизнинг «Садди Искандарий», Форобий бобомизнинг «Фозил одамлар шаҳри» рисо-ларларида тилга олинган жуда кўна орзуларга муштарак экани сир эмас. «Ажаб эрмас» деб номланган газалда у:

Шюри шарр бирла жаннатга ўлса Фарғона, Тонг эрмасдурки, шаҳри жаннатосо ўлса Фарғона, Хавоси рўпарвар ҳам дилосо ўлса Фарғона,

лариде водий билан республиканинг барча темир йўлларини боғлайдиган, жуда катта аҳамиятга эга темир йўл қурилиши ҳақида айтганлариде, қалбимиздаги шўкрона ҳисси янада ошди. — Бир томонда қад ростлаётган қўқамлик ва гўзаллик, бошқа томонда тантана қилинаётган тафаккур байрамлари юртимизда ҳўкм суратган тиңчиликнинг, барқарорликнинг мевалари эканини яқин тушунамиз, қад-рига етамиз, кўз қорачиғидек асраб-

Турли манфаатларнинг қарама-қаршиликлари оқибатида қалқиб турган шу дунё аро ўзининг эзгу голяри ва қадриятлариде доимо бардавом эллимида гуллаб-яшнаётган ўлқалар, шаҳарларда айна шу руҳда, айна шу жўшқинликда мана шундай байрамлар бўлиб ўтмоқда. Шунингдек, айна дамда Ер юзининг қайларидидир бошбоққиллар, сохта эркинлик никоби остидаги жиноятлар ва ёвузликлар ҳам давом этмоқда. Мамлакатимизнинг жаннатмонанд шаҳарлари узра эса, оташнафас шоиримиз Завқий орзулаганидек, жаҳон аҳли бошидаги савдоларни даф қўлимоқнинг гўзал тимиоли ўлароқ, рўпарвар жўшқинликда ҳаво кезмоқда, юрт тўпруги анбар, суви гулоб ўлароқ гуллаб-яшнамоқда.

Ёшликнинг бетакрор завқи

Хоразмда «Талабалар баҳори — 2013» фестивали бўлиб ўтмоқда

Юртимизда ёшларнинг ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб етиштирилиши, ўз истеъодларини тўла намоён этишлари учун беқиёс ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Уларнинг иқтидорини, салоҳиятини юзага чиқариш учун турли аънавий илмий-амалий анжуман, кўрик-танлов, фестивал, нуфузли спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

Хусусан, Хоразмда бўлиб ўтган «Талабалар баҳори — 2013» фестивали фикримизнинг далилидир. Фестиваль юртимизнинг турли ҳудудларидан келган иқтидорли талаба-ёшлар иштирокида илмий-амалий анжуманлар, олий таълим муассасаларининг кўргазмалари, «Кувноқлар ва зукколар» ҳамда «Нихол» талабалар театр томошаларининг танловлари, «Заковат» интеллектуал ўйини, кенг миқёсдаги спорт мусобақалари каби қатор сермазмун тадбирларга бой бўлди.

Куйида фестивалнинг айрим иштирокчилари таасуротлари билан танишасиз.

Акмал ВОҲИДОВ, Қарши муҳандислик-иктисодий институтининг энергетика факультетининг 4-босқич талабаси:

«Талабалар баҳори» ёшлар фестивалида билимдон, салоҳиятли тенқурларим сафида эканлигимдан бахтиёрман. Бўлиб ўтган

маданий-маърифий тадбирлар, фестивалнинг ҳар бир они талабалар кунларимизнинг унутилмас дамлари бўлиб қолади. Ушбу фестивалнинг Хоразмда ўтказилганлигида ҳам чуқур маъно-маънавий бор, деб биламан. Чунки Хоразм — буюк алломалар юрти. Бу юртга қадам қўйган киши ўлка-

мизнинг ҳар гўшасида бўлгани каби улуг аждодларимизнинг нафасини ҳис қилади.

Ушбу тадбирда техника ва технология йўналиши бўйича катнашдим. «Биомасса ва қишлоқ ҳўжалиги» чиқиндиларидан муқобил ёнилиги

ШИЖОАТ

олиш қўрилмаси» лойиҳамни тақдим этдим. Унга барча талабалар қизиқиш билдиришди. Бу қўрилма лаборатория синовидан ўтиб, ишлаб чиқаришга татбиқ этилгани мамнуният бағишлади. Уни яратишда устозларим — техника фанлари номзодлари Фулом Узоқов ва Раҳим Раббимовнинг қўмағи катта бўлди. Ушбу анжуманда ана шундай устозларимизнинг берган назарий билимларини яна бир бор синовдан ўтказдик.

Зилолаҳон ЭРҒАШЕВА, Тошкент тиббиёт академияси магистри:

— Кўхна Хоразм заминда бизни ниҳоятда илқилиқ билан қутиб олишди. Фестиваль доирасида бўлиб ўтган тадбирлар қўлгиланган ҳам самарали кечди. Мен тиббиёт йўналиши бўйича иштирок



Менюса ХАЙРИЙУЛЛАЕВ (ўса) оғирини соғирди.

этдим. Ушбу соҳа бўйича тенгдошларим билан илмий мунозаралар олиб бордик. Биласизми, қатнашчилар ниҳоятда билимли, уларнинг ҳозирданок тиббиёт соҳасида эришган ютуқ ва натижалари кўп. Баъзилари жуда ёш бўлишига қарамадан илмий қашфиётлар қилишга ҳам улғуришган. Бу эса давлатимиз томонидан ёшларга кўрсатилган беқиёс ғамхўрликларнинг натижасидир.

«Талабалар баҳори» да яна бир нарсани намоён бўлдики, ёшлар чиндан ҳам ўз юртимизга, ўз аждодларимизга муносиб фарзандлар бўлиб вояга етмоқда. Умуман олганда, таассуротларим ниҳоятда бойки, шундай юртининг фарзанди эканлигимдан бахтиёрман.

Беход ЭШМАТОВ, Термиз давлат университетининг иқтисодий факультетининг 3-босқич талабаси:

— Юксак савияда, кўтаринки руҳда бўлиб ўтган фестивалда Ватанимиз ёшлари кўлга киритаётган улкан ютуқлар ўз аксини топти. Фестиваль доирасида ўтказилган ҳар қандай тад-

бирда янги бир гояга, ишланмага, ўзига хос илм-фан дунёсига дуч келасиз. Буларнинг ҳаммаси тенгдошларимнинг билим даражаси, салоҳияти қанчалик юқори эканлигини кўрсатиб турибди. Фестивалда кўлаб янги дўстлар орттирдим. Юртимизнинг гавҳари бўлган Хоразмнинг тарихи ва бугуни билан яқиндан танишдим. Хоразм Ўзбекистоннинг ҳар бир гўшаси каби ниҳоятда гўзал ва мафтункор.

Тадбирда экологик муҳит софлигини сақлаш бўйича лойиҳам билан катнашдим. Ушбу илмий ишланманам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотганлиги мени янги интилишлар сари ундайди.

Гулсия САРСЕНБЕКОВА, Нукус педагогика институтининг 2-босқич талабаси:

«Талабалар баҳори» фестивалида қатнашиб амин бўлдимки, тенгдошларим орасида илмий, истеъодли ёшлар жуда кўп. Бадий ижодиёт кўргазмаларида, «Кувноқлар ва зукколар» беллашувида қатнашиб, унутилмас таассуротларга эга бўлдим. Фестиваль тадбирлари дастури шунақа қизиқарли ташкил этилганки, зериктишга умуман вақт қолмайди. Ҳар қадамда, ҳар қадамда олам-олам янгиликлар, таассуротлар, дўстлар топдик. «Талабалар баҳори» фестивали Ўзбекистон ёшлари ўртасида ҳамжиҳатлики, бирдамликини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Хайрия акцияси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маданият ва истироҳат боғларида ўтказилаётган байрам сайиллари ўғил-қизларга чексиз қувонч, унутилмас таассуротлар бағишламоқда.

2008 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Болалик шарафига» хайрия тадбиридан кўзланган максад ҳам ўғил-қизларнинг қобилиятини кашф этиш, уларни рағбатлантириш, алоҳида эҳтиёжли болаларнинг жамиятга интеграциялашувига ёрдам беришдан иборат.

Хайрия тадбири давомида иштирокчи болалар тасвирий ва амалий санъат, дизайнлик, рақс, хонандлик, нотликлик маҳорати каби йўналишларда ўз билим ва иқтидорини намоён қилишди. Ёш ижрочилар ва болалар бадий жамоалари иштирокидаги концерт дастури тадбирга янада кўтаринки руҳ бағишлади.

Тадбирдан тушган маблағ Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Маданият хабарлари




Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида rassom Rустам Худойберганов ва унинг шоғирдлари ижодий ишларидан иборат «Устоз ва шоғирдлар» мавзусидаги кўргазма очилди.

«Устоз ва шоғирдлар»

Кўргазмадан «Амир Темур», «Бобур», «Жалолиддин Мангуберди», «Тўмарис» сингари портрет жанридаги асарлар, Ватан мазнаралари, замондошларимиз қиёфаси акс эттирилган юздан зиёд суратлар ўрин олган.

Эътироф этиш жоизки, Р. Худойбергановнинг шоғирдлари ҳам тасвирий санъат оламида ўз ўрнига эга, шунингдек, бир қатор кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этган ёшлардир. Жумладан, Алишер Алиқулов ижодий муваффақиятлари учун Бадий академиянинг олтин медали билан тақдирланган бўлса, Мурод Азлар-хўжаев ва Анастасия Никитина нафақат юртимиз, балки хорижий мамлакатларда ташкил этилган халқаро танловлар иштирокчиси ва совриндори саналди.

Гўзал РАҲМОНОВА.



Халқаро эътироф

Бўстонлик туманидаги 28-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Айгерим Қайумова Италияда бўлиб ўтган «Paolo Seggio» халқаро танловда иштирок этиб, голиблар сафидан жой олди.

Болалигидан мусиқага ошно тутилган ёш созанда мамлакатимизда ташкил этилган «Янги авлод» болалар фестивалларининг доими қатнашчиси. Айгеримнинг халқаро танловдаги ғалабаси юртимизда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга қаратилган хайрли ишлар натижасидир.

Шарофат АЙДАРҚУЛОВА.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Ишонч ва қатъият

Самарқандлик талаба-ёшлар ҳозиргача Универсиада спорт мусобақаларида эришган муваффақиятларини янада мустаҳкамлаш ниятидалар.



Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган

юксак эътибор туфайли ҳар бир ҳудуддан кўлаб истеъоддор етиштирилди. Уларни кашф қилиш ва маҳоратини ошириб боришда ўз босқичли мусобақалар тизими беқиёс аҳамият касб этаётди.

Хусусан, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинларида қатнашаётган ўғил-қизларимиз нуфузли турнирлар ҳақида муайян тасаввурга эга бўлишмоқда, имкониятларини синовдан ўтказиб, шу асосда ўз усталирида янада кўпроқ ишлашга интилишмоқда. Дастлабки умидбахш ютуқларини ҳам айнан ўз босқичли мусобақаларда кўлга киритган ёшларимиз эндиликда Олимпияда ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатларида қатнашиб, ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда исботлашаётипти. Ҳадемай Бухорода бошланган «Универсиада — 2013» спорт анжумани ҳам яқиндан-яқин иқтидорларни рўёбга чиқаришга шак-шубҳа йўқ.

Бўлувчи бахсларга тайёргарлик кўраётган Самарқанд вилояти олий ўқув юрталари талабаларининг ҳам орзу-ниятлари катта — энг кучли учта терма жамоа сафидан жой олиш.

— Ишончимиз комил, бу йилги-қизларимизнинг қўлидан келади, — дейди «Универсиада — 2013» спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш бўйича виллоят ишчи гуруҳи котиби, Самарқанд давлат университетининг Жисмоний маданият факультети декани Бахтиёр Хайдаров. — Чунки ҳозиргача ўтказилган Универсиада ўйинларида вакилларимиз бир неча бор совриндор бўлиб, Президентимиз совғаси билан тақдирланган.

Бу галли ёшлик ва шижоат байрамида самарқандлик 92 нафар талаба (28 нафар қизлар) голиблик учун курашдади. Ўқув-ийгин машғулотларини кўнгилдагидек ўтказиш учун уларга барча шарт-шароит яратиб берилган. Жумладан, университетимизда энгил атлетика, кураш, дзюдо, волейбол (ўғил болалар жамоаси), теннис, Самарқанд давлат чет тиллар институтида шахмат, стол тенниси, Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали ҳамда иқтисодий ва сервис институтида кўп түпн, волейбол (қизлар жамоалари),

сузиш ҳамда футбол бўйича ҳозирлик жараёни қизгин давом этаётти. Талабаларимизнинг йилгирма нафардан зиёди ўтган Универсиада ўйинларида қатнашиб, анча тажриба орттирган ёшлардир. Шунингдек, жамоамиз таркибида республика чемпионатлари, бир қатор халқаро мусобақаларда маҳорати сайқалланган спортчиларимиз ҳам бор. Бу совринли ўринлар учун кечагидан курашларда имкониятимиз анча юқори эканини кўрсатади, албатта.

— Мусобақаларнинг бошланишини орзиқиб кутаямиз, — дейди энгил атлетика бўйича Ўзбекистон чемпиони, Самарқанд давлат университети талабаси Руслан Курбанов. — Ниятим — Бухорода олтин медални кўлга киритиб, вилоятимиз ютуғига муносиб ҳисса қўлиш. Лекин бу осон бўлмайди. Чунки беллашувларда юртимизнинг энг иқтидорли спортчилари қатнашади. Улар билан тенгма-тенг баҳслашиш, голибликка эришиш учун мураббийларимиз кўрсатмаси асосида астойдил тайёрланмоқдаман.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шахматчимизнинг яна бир ғалабаси

Турнирда ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ҳам муваффақиятли қатнашмоқда. Хусусан, у саккизинчи турда украинalik гротсмейстер Руслан Пономарёвга қарши қора доналарда баҳс олиб бориб, 77-юришдан сўнг зафар қучди. Айтиш жоизки, бу спортчимизнинг мазкур мусобақадаги энг узок кечган баҳси сифатида қайд этилди.

Саккизинчи турнинг қолган ўйинлари қўйидагича янгунади: Александр Гришчук — Фабиано Каруана 1/2, Перес Домингес — Александр Морозевич 1:0, Веселин Топалов — Этьен Бахро 0:1, Гата Камский — Хикару Накамура 1:0, Василий Иванчук — Петер Свидлер 0:1.

Айни пайтда Гран-при турнирида саккиз имкониятдан 6 очко тўплаган америкалик шахматчи Гата Камский етакчилик қилмоқда. Иккинчи поғонадан 5,5 очко жамғарган кубалик Перес Домингес ҳамда италян шахматчиси Фабиано Каруана жой олган. Россиялик «ақл гимнастикаси» устаси Александр Гришчук ҳисобида эса 4,5 очко бор. Руслан Пономарёв ва Рустам Қосимжонов 4 очко билан турнир рейтингининг тўртинчи поғонасига бормоқда. Шунингдек, А. Морозевич, В. Топалов, Э. Бахро ҳамда П. Свидлер ҳам ҳозиргача бир хил — 3,5 очкодан, америкалик Х. Накамура эса 3 очко йиғишга муваффақ бўлган. Украиналик яна бир гротсмейстер Василий Иванчук ҳисобида 1,5 очко мажбуд.

Рустам Қосимжонов бугун тўққизинчи тур доирасида Василий Иванчукка қарши дона суради.

Спорт

Шу кунларда Қатар пойтахти Доҳа шахрида оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтмоқда.

Оғир атлетикачилар баҳси

Кўтанинг ўттиздан зиёд давлат вакиллари иштирок этаётган мусобақада Ватанимиз шарафини 12 нафар умидли спортчимиз ҳимоя қилаётти. Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси мабуот хизматининг хабарига кўра, чемпионатнинг дастлабки кунда кечган баҳсларда терма жамоамиз етакчиларидан бири Машхурбек Йўлдошев (-50 кг.) штангани даст кўтаришда олтин, силтаб кўтаришда қумуш, учқурас яқунлари бўйича эса яна бир қумуш медални кўлга киритди.

Айтиш жоизки, Машхурбек жорий йилнинг 6 — 13 апрель кунлари Тошкент шахрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида бир йўла учта бронза медалига сазовор бўлиб, 2014 йили Хитойда бўладиган ЎЎсмирлар Олимпия ўйинларига йўлланма олган эди.

Ҳасан ТОШҲЎЖАЕВ тайёрлади.

«EFFECT REAL GROUP» МҶЗ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

● **Реклама ўрнида**

Аукцион савдосига Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 24 майдаги 2829, 2810/2-сонли хатига асосан, куйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 28 февралдаги 10-1104/1751-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, «32-МФЙ», Туркистон кўчаси, 4-уйда жойлашган «SHARQ FARMA» МҶЗ шаклидаги қўшма корхонасининг бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 843 616 136 сўм.

2. Фарғона вилояти ҳўжалик судининг 2012 йил 3 апрелдаги 15-12-09/4647-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, «1-МФЙ», Давронбек кўчаси, 51-уйда жойлашган «NURUL-AROFAT» МҶЗга тегишли, авто-мобилларга суюлтирилган газ қуйиш шохобчаси бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 81 022 500 сўм.

Очик аукцион савдоси 2013 йил 3 июль кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Очик аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фарғона шаҳри, Аҳмад ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй, 24-хона, «EFFECT REAL GROUP» МҶЗ. Телефон: (+99895) 404-54-84.

талабгорлардан аризалар 2013 йил 3 июндан бошлаб ҳар кунини (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2013 йил 1 июль кунини соат 17.00 да тўхтайтилади.

Мазкур кўчмас мулклар 2013 йил 3 июль кунини сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 2 август кунини бўлиб ўтади. Такрорий аукцион савдоси учун аризаларни қабул қилишнинг охириги муддатти — 2013 йил 31 июль кунини соат 17.00 гача.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан туман суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Очик аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридида закалат пулини тўлов ҳужжатида мулк номи кўрсатилган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «EFFECT REAL GROUP» МҶЗнинг ОАТ «Савдогарбанк» Фарғона вилояти бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943278001, МФО: 00500, СТИР: 302128329.

Лицензия: RR 0094.

Лицензия: RR 0094.

Эъзоз, эътибор, ғамхўрлик

шини таъминлашдек эзгу мақсадга қаратилган.

Юртимизда, шунингдек, «Соғлом она — соғлом бола» Миллий дастурининг амалга оширилиши бугун ўзини тамомила оқламоқда.

Президентимизнинг соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва болаларни иқтисодий-тиббий муҳофаза қилиш йўналишига қаратилган фармон ва қарорлари жойларда ўз самарасини кўрсатмоқда. Жумладан, Юртбошимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлоднинг шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлоднинг вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарорларининг бош мақсади оилани мустаҳкамлаш, халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда, ёш авлоднинг ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашга қаратилган.

Бугун Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ жойлардаги барча ҳомилалар доирасида давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан соғлом наслини шакллантириш учун зарур поливитаминлар билан таъминланмоқда. Она ва бола скрининг марказлари тармоғи ташкил этилиб, улар ишга тушган 2000 йилдан буён мамлакатимизда ирсий ва турма нуқсонли болалар туғилиши 1,7 баробардан зиёд қамайди.

Ўзбекистонда икки ёшгача бўлган барча болалар бепул эмланмоқда, бу, ўз навбатида, дифтерия, қочқол, полиомиелит каби касалликларга бутунлай барҳам бериш имкониятини яратди. 14 ёшгача бўлган болаларнинг деярли 100 фоизи йилга икки марта, туғиш ёшидаги аёллар эса ҳар йили чуқур тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.

Юртимизда комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ўтган 20 йил давомида оналар ва гўдақлар ўлими уч баробардан кўпроқ қамайди. Ўзбекистон 2011 йилда «Болаларни асрайлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингинида ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатилаётган давлатлар орасида муносиб ўрин эгаллади.

Булларнинг барчаси мамлакатимизда ҳар бир фарзанд меҳр ва эътибор оғушида эканлигини, уларнинг эзгу орзулари ушалиши учун мустаҳкам пойдевор қўйилганлигини англатади.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

«ШҶРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ»
жамоаси

мамлакатимизнинг
азиз болажонларини

1 июнь —
**Халқаро болаларни
ҳимоя қилиш куни**
билан табриклайди!

*Эршамиз палари бўлмиш
фарзандларимизга соғлиқ-омонлик,
уларнинг жонажон юртимизга муносиб
ўғил-қизлар бўлиб вояга етишини
тилайди.*

*Юртимиз ҳамيشа тинч,
осмонимиз мусофиро бўлсин!*



**Geologiya, yoqilg'i-energetika, kimyo,
neft-kimyo va metallurgiya sanoati
soha korxonalari tarmoq
sanoat yarmarkasi**

TAKLIF ETAMIZ!

Tarmoq sanoat yarmarkasi va Kooperatsiya birjasi kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'ektlariga buyurtmalar portfelini shakllantirish, o'zlari ishlab chiqargan mahsulotlarni yetkazib berish bo'yicha respublikaning yetakchi tashkilotlari bilan tendersiz o'zaro manfaatli shartnomalar tuzish uchun ajoyib imkoniyat yaratadi!

**2013-yil
5-7-
IYUN KUNLARI**

«O'zekspomarkaz» MKK OAJ
ko'rgazma maydonlarida.
Tel.: 238-54-13, 238-53-52.



Xalqaro sanoat yarmarkasi va Kooperatsiya birjasi direksiyasi.

«ТОШКЕНТПАХТАСАНОАТ»
худудий акциядорлик бирлашмаси
жамоаси

1 июнь —
Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни
билан юртимизнинг азиз болажонларини
самимий муборакбод этади!

Тинчлигимиз барқарор бўлиб,
мамлакатимиздаги барча оилаларда болаларнинг
қувноқ кулгиси жаранглаб турсин!



«Қибрай»
клиник санаторийси

юррак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сифатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илгор усуллари асосида беморларни даволайдилар.

Сифатгоҳда сауна, сузиш ҳавзаси, фитобар, теннис корти, бильярд ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.

Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

Манзилимиз:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай кўрғони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.

Тел.: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР**
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Хайъати ҳамда касаба уюшмаси Бирлашган қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Ўтқур Исломова турмуш ўртоғи
МАНЗУРА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзархив» агентлиги жамоаси Бухоро вилояти архив иши бошқармаси бошлиғи Асрор Турсуновга палари бузруқвори
Иргаш ТУРСУНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўтқир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 113 202 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Оринов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — М. Ҳолматова.
Мусоҳах — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.40 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5